

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БЕРДИМУРОДОВ АЗИЗЖОН ШУКРИЛЛОЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЭРКИН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАРНИ
САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 - Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Бердимуродов Азизжон Шукриллоевич

Глобаллашув шароитида эркин туристик худудларни самарали
ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини

такомиллаштириш 3

Бердимуродов Азизжон Шукриллоевич

Совершенствование организационно-экономического механизма

эффективного развития туристических зон в условиях глобализации 27

Berdimurodov Azizjon Shukrilloyevich

Improving the organizational and economic mechanism for the effective
development of tourist zones in the context of globalization 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БЕРДИМУРОДОВ АЗИЗЖОН ШУКРИЛЛОЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЭРКИН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАРНИ
САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 - Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt680 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сафаров Баходирхон Шахриёрович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эргашев Рахматилло Хидирович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Норчаев Асатулло Норбўтаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «8» 8 кuni соат 16.30 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (035 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 18 кuni тарқатилди
(2021 йил «24» 18 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида туристик хизматлар соҳасида тез суръатлар билан ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, «2019 йилда жами туристларнинг сони 3,8 фоизга ошиб, уларнинг умумий миқдори 1,5 млрд.ни ташкил этган»¹. «2020 йилда хорижий туристлар ташрифи 2019 йилга нисбатан 74 фоизга камайган, туристик хизматлар экспортидан кўрилган зарар 1,3 трлн. АҚШ долларига етган»². Шу жиҳатдан ҳам жаҳон миқёсида туризмни ривожлантириш, туризм хизматлари ҳажмини ошириш ва эркин туристик ҳудудларни кўпайтирган ҳолда хизматлар сифатини ошириш, соҳада иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда пандемия ва инқироздан чиқишга кенг имкониятлар яратиш каби масалаларга катта аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган туризмнинг илмий асосларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда: инвестицион фаолиятни рағбатлантирган ҳолда хавфсиз туризм хизматлари кўрсатишни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эркин туристик ҳудудларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш асосида самарали ривожлантириш, туризм индустриясини ривожлантиришнинг стратегик моделини ишлаб чиқиш, давлат-хусусий шериклик шароитида минтақаларо ва жаҳон миқёсидаги лойиҳаларни янада ривожлантириш.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида туризм соҳасини жадал ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. «Асосий мақсадимиз, энг аввало, туризм соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, одамларнинг манфаатини инобатга олиб, халқимиз учун баҳаво, арзон, хавфсиз ва 12 ой давомида қулай дам олиш шароитларини яратишдир. Бўстонлик каби масканларга Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан юртдошларимиз келиб ҳордиқ чиқариши, бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар бошқа ҳудудларимиз учун ҳам намуна бўлиши керак»³. Дарҳақиқат, туризмни самарали ривожлантириш мақсадида эркин туристик ҳудудларни яратиш имкониятларини чуқур таҳлил этиш ва тегишли дастурлар ишлаб чиқишга асос бўладиган мукамал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу боис, эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг механизмини аниқлаш ва истиқболни белгилашнинг назарий-услубий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалар қаторига киради.

¹World tourism barometer. Volume 18. Issue 1. January 2020

² UNWTO, COVID-19 and Tourism 2020, A year in review, January 2021

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 14 августдаги туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир ўтказилган лойиҳалар тақдимотидаги нутқи. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. <http://uza.uz/oz/society/b-stonli-tumanining-sayye-lar-manziliga-aylanishiga-ar-birim-29-08-2020>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича иқтисодиёт соҳасидаги хорижлик олимлардан Susan Tiefenbrun, Stephen Creskoff, Caraballo-Cueto J, Yuan Y., Akbari M., Azbari M. E., Chaijani M.H., Mukherjee, A., Fatemeh Khazae Fadafan, Afshin Danehkar, Sharareh Pourebrahim, Neeraj Agarwal⁴, МДХ олимлари А.В.Новиков, Д.С.Быкасов, В.С.Новиков, А.Скоч, А.Д.Абалаков, Н.С.Панкеева⁵ ва бошқалар илмий

⁴Susan Tiefenbrun, U.S. Foreign Trade Zones, Tax-Free Trade Zones of the World, and Their Impact on the U.S. Economy. Hofstra International Law & Business Journal, Vol. 13, 2013; Stephen Creskoff. Implications of WTO Disciplines for Special Economic Zones in Developing Countries. World Bank Policy Research Working Paper. No. 4892, 2016. - P 44; Caraballo-Cueto, J. Free trade zones, liberalization, remittances, and tourism, for what?: Jobless growth in the Dominican Republic. International Journal of Development, 15, 2016. 181–200 pp.; Yuan, Y. Studies on China's Special Economic Zones, Singapore, Springer Singapore, Imprint: Springer. 2017; Akbari, M., Azbari, M. E., & Chaijani, M. H. Performance of the Firms in a Free-Trade Zone: The Role of Institutional Factors and Resources. European Management Review. 2018; Mukherjee, A. Special Economic Zones in India: Status, Issues and Potential. New Delhi, Springer India, 2016; Fatemeh Khazae Fadafan, Afshin Danehkar, Sharareh Pourebrahim. Developing a non-compensatory approach to identify suitable zones for intensive tourism in an environmentally sensitive landscape. University of Tehran, Iran.; Neeraj Agarwal. Issues of SEZ in India. Advances in Space Research Volume 50, Issue 51. 2012.

⁵ Новиков А.В. Развитие туристско-рекреационных зон в условиях государственно-частного партнерства: монография / Казань: Изд-во КНИТУ, 2012. – 216 с.; Быкасов Д.С. Туристско-рекреационные особые экономические зоны, — путь, развития регионального туризма //Вестник РАГС. — 2007. - № 1; В.С. Новиков. Инновации в туризме. Учебное пособие – М.: Туризм, 2010. - 203 с; Скоч А. Особые экономические зоны как эффективный механизм региональной кластерной политики государства //

тадқиқотлар олиб боришган. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари Н.Т.Тухлиев, М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, Д.Х.Асланова, М.Э.Пўлатов, К.Ж.Мирзаев, М.М.Мухаммедов, О.Ҳ.Ҳамидов, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров, Н.Э.Ибадуллаев, М.Т.Алимова, Д.З.Норкулова, А.А.Эштаев⁶ каби иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг ёритилган.

Мазкур тадқиқотларда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар кенг ёритилганлигига қарамасдан, миллий иқтисодиёт тизимида эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантириш билан боғлиқ масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда ОТ-Ф1-61 рақамли «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш» давлат фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туризм соҳасида «эркин туристик ҳудуд» тушунчасининг моҳиятини очиб бериш ва такомиллаштирилган таърифини илмий асослаш;

Общество и экономика. – 2006. – №7-8. – С.202-214; Абалаков А.Д., Панкеева Н.С. Известия Иркутского Государственного Университета. серия: Науки о земле. том: 3. номер: 2 год: 2010 страницы: 3-18.

⁶Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 424 с.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // «Сервис», 2013. №1, С: 4-9; Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. -137 б.; Пўлатов М.Э., Мирзаев К.Ж. ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. Т.:Фан ва технология, 2018. – 296 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. С.:“Зарафшон” нашриёти, 2017. – 300 б; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. диссертация автореферати. - Самарқанд, 2017.; Тўраев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: Фан ва технология, 2016. - 184 б.; Ибадуллаев Н. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). и.ф.н. диссертацияси автореферати - Самарқанд, 2010.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозоринингривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. – 300 б.; Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш // и.ф.н. бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2018. – 65 б.; Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. – Т.: “Фан”, 2011. – 280 б.

эркин туристик ҳудуддаги давлат активлари фаолиятига ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш механизмини такомиллаштириш;

туризмнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш асосида ҳудудларда туризмни ривожлантириш тенденция ва йўналишларини таклиф этиш;

эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришда «кичик туристик ҳудудлар» моделидан фойдаланиш асосида ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

эркин туристик ҳудудлардаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг натижавийлик ва рентабелликка эришишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштириш;

давлат ва хусусий сектор келишувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш орқали эркин туристик ҳудудларда давлат-хусусий шерикчилиги механизмидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

пандемиядан кейинги даврда эркин туристик ҳудудларни ривожлантириш орқали туризмда банд аҳоли сонининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимиздаги эркин туристик ҳудудлар ва уларда фаолият юритаётган туризм субъектларининг иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети туризм инфратузилмаси ва эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таққослаш, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, эконометрия каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин туристик ҳудудлардаги давлат активларини босқичма-босқич хусусийлаштириш ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш асосида эркин туристик ҳудудларни оптималлаштириш механизмидан фойдаланиш юзасидан илмий таклифлар далилланган;

«туризм қишлоғи» ва «туризм маҳалласи»ни ташкил қилиш асосида ички ва зиёрат туризм йўналишларини самарали ривожлантиришда «кичик туристик ҳудудлар» моделининг такомиллаштирилган усули асосланган;

эркин туристик ҳудудлардаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг натижавийлик ва рентабелликка эришишини такомиллашган иқтисодий модел асосида ҳисоблаш таклифи асосланган;

пандемиядан кейинги шароитда эркин туристик ҳудудларни ривожлантириш орқали туризмда банд аҳоли сонининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда эркин туристик ҳудудлардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва эркин туристик ҳудудларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, вилоятлардаги имкониятлар ва шарт-шароитлар ҳамда уларнинг салоҳиятини баҳолаш асосида минтақаларда туризмни ривожлантириш йўналишлари таклиф этилган;

эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришда «Samarkand city» туристик ҳудуди таркибига жалб этиладиган инвестицион манбалар баҳоланган ва мавжуд муаммолар очиб берилган;

туризм соҳасини ривожлантиришда самарали механизмлардан фойдаланиш асосида эркин туристик ҳудудлар қошида «туристик қишлоқ» ва «туристик маҳалла» ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган;

эркин туристик ҳудудлардаги туристик корхоналарнинг натижавийлиги ва рентабеллигига таъсир этувчи омиллар баҳоланган;

эконометрик моделларни қўллаш асосида эркин туристик ҳудудларда «хавфсиз туризм»га қўйилган талабларни эътиборга олган ҳолда тегишли параметрларни қўллаш ҳисобига 2021-2023 йилларда туризмда банд аҳоли сонининг кескин қисқаришини минималлаштириш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Илмий ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг статистик маълумотлари ва даврий ҳисоботлардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлардан Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм каби туризм салоҳияти юқори бўлган вилоятларга хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда туризм ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эркин туристик ҳудудларни ривожлантириш орқали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш, соҳада инвестицион фаолликни ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эркин туристик ҳудудлардаги давлат активлари фаолиятига ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш асосида эркин туристик ҳудудларни оптималлаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «2019-2020 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар» дастури ва «Йўл хариталари»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02-16/5428-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида «Samarkand city» туристик ҳудудида интеграциялаш ва кенг қамровли тежамкорликни амалга ошириш ҳисобига 2020 йилда инвестициялар ҳажмининг икки мартаба ортишига имкон берган;

эркин туристик ҳудудлар қошида «кичик туристик ҳудудлар» моделидан самарали механизм сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган 01-17/55-828-ҚТ - сонли назорат режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02-16/5428-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш асосида «Чорвок» эркин туристик ҳудуди негизида кичик туристик ҳудудлар (2 та туристик қишлоқ ва 1 та туристик маҳалла) ташкил этилганлиги иқтисодий самарадорлик ва инвестицион фаолиятнинг синергетик самарадорлигининг ошишига хизмат қилган;

эркин туристик ҳудудлардаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг натижавийлик ва рентабелликка эришишини такомиллашган иқтисодий модел асосида ҳисоблаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «2019-2020 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар» дастури ва «Йўл хариталари»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02-16/5428-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалга оширилиши натижасида ҳар бир туристик корхона натижавийлиги ва рентабеллиги кўрсаткичлари бўйича 2019 йилда соф тушум маблағларининг 14,9 %га ортишига имкон яратилган;

мамлакатимизда эркин туристик ҳудудларни стратегик ривожлантириш орқали туризмда банд аҳоли сонининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли прогноз кўрсаткичларини қўллаш бўйича таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган чора-тадбирлар дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02-16/5428-сон маълумотномаси). Натижада эркин туристик ҳудудларда «хавфсиз туризм»га қўйилган талабларни эътиборга олган ҳолда тегишли параметрларни қўллаш ҳисобига 2020 йилда туризмда банд аҳоли сонининг кескин қисқаришини минималлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та жумладан, 6 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш**» деб номланган биринчи бобида туризм соҳани инновацион ривожлантиришда «эркин туристик ҳудуд» тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда эркин туристик ҳудудларнинг роли ва иқтисодий мазмуни, эркин туристик ҳудудлар ривожланишининг илғор хорижий усуллари ўрганилган.

Эркин туристик ҳудудларнинг иқтисодиётда тутган ўрни, туризм соҳасидаги ҳамда инвестицияларни жалб қилишдаги аҳамиятини баҳолаш эркин туристик ҳудудлар тўғрисида аниқ тасаввур ва назарий билимларнинг бўлиши лозимлигини тақозо этади.

«Жаҳон тажрибасидан маълумки, туризм салоҳиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, энг муҳими, янги туристик бозорларга кириб боришда эркин

иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ)нинг алоҳида тури бўлган эркин туристик ҳудудлар (ЭТХ) муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда ана шундай ҳудудларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда»⁷.

Хорижий иқтисодий адабиётларда «эркин туристик ҳудуд (зона)» тушунчасига турли муаллифлар томонидан турлича таърифлар берилган. Уларнинг батафсил таҳлили диссертация ишида келтирилган.

Мамлакатимиз олимлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ушбу тушунчалар турлича талқин қилинишини кузатиш мумкин, хусусан «эркин индустриал зонали ҳудуд»⁸, «эркин иқтисодий ҳудуд»⁹, «эркин туристик ҳудуд»¹⁰ шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли Фармонида «эркин индустриал-иқтисодий зона» тушунчаси, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги ЎРҚ-604-сон Қонунида «махсус иқтисодий зона», «эркин иқтисодий зона», «туристик-рекреацион зона» тушунчалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарорида «туризм ҳудуди» тушунчаси қўлланилган.

Хорижий ҳамда маҳаллий адабиётларда эркин иқтисодий ҳудуднинг умумий белгилари ёки ҳамма томонидан қабул қилинган кўрсаткичлари кўрсатиб ўтилмаган. ЭИХ учун энг умумий тавсиф сифатида мамлакат ҳудудида хўжалик фаолиятини юритиш учун қулай режим, сиёсий ва иқтисодий томондан берилган имтиёзлар, қулай географик муҳитга эга бўлган ҳудуд тушунилади. Бу ҳудудда иқтисодий фаолиятнинг маълум бир қисмига давлатнинг аралашуви чегараланади. Бундай ҳудудларга мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилинмайдиган маълум имтиёзлар берилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз «эркин туристик зона» тушунчасидан эмас, балки «эркин туристик ҳудуд» тушунчасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Илмий изланишлар асосида «эркин туристик ҳудуд» тушунчасининг янги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Бизнингча, «эркин туристик ҳудуд - давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ маълум бир ҳудуд, минтақанинг туризм соҳасини ривожлантириш, туристик ва рекреацион тадбирларни амалга ошириш мақсадида чет эл капиталини ва замонавий хорижий технологияларни жалб этган ҳолда маҳаллий ва хорижий тадбиркорларнинг замонавий туристик инфратузилма объектларини барпо этиши, туризм фаолияти билан шуғулланишлари учун алоҳида тартиб ҳамда

⁷ И.С.Тухлиев, А.Ш.Бердимуродов. “Эркин туристик ҳудудларни ривожлантиришда геоахборот тизимини қўллаш истиқболлари”. “Сервис” илмий-амалий журнали. 2-сон, 2017 йил. 67 бет.

⁸ Р.А.Исломова. Эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси - С., 2018. - 150 б.

⁹ Ж.И.Каримкулов. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати - Т., 2019. - 152 б.

¹⁰ И.С.Тухлиев ва бошқалар. Туризм соҳасининг замонавий атамалари изоҳли луғати: маълумотлар тўплами. Самарқанд, «Наврўз», 2020, 264 бет.

солиқ, молия, божхона, инвестиция, ҳуқуқий имтиёзлар жорий этилган махсус ташкил этилган ҳудуддир».

Мазкур таърифдан келиб чиқсак, у мамлакат ичида давлат томонидан туризм соҳасида маълум бир иқтисодий ёки иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, махсус тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган туристик субъектлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этиш демакдир.

Бизнингча, ҳар қандай кўринишдаги эркин туристик ҳудудларни ташкил қилишдан асосий мақсад республиканинг муайян минтақасини иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш бўлиши лозим (1-расм).




1-расм. Эркин туристик ҳудудларни яратишнинг муҳим вазифалари¹¹

Тадқиқотимиз давомида шу билан бирга эркин туристик ҳудудларни ривожлантириш бўйича жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш орқали, уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз шароитида қўллаш бўйича

¹¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди. Бизнингча, эркин туристик ҳудудларни ташкил этиш ва фаолият юритиши бўйича етарли тажрибага эга баъзи Европа давлатлари, шунингдек, Хитой, Россия, Туркия ва Миср мамлакатларининг иқтисодиётида ЭТХларнинг муҳим ўрин тутишига хорижий инвесторлар учун манфаатли махсус божхона ва солиқ имтиёзларининг қўлланиши, юқори хорижий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш натижасида яратилган маҳсулотларни кенг қўламли экспорт қилишнинг самарали механизми яратилганлиги, эркин иқтисодий ҳудудларда иқтисодий ривожланишга эришишда илмий-техник жараёнлардаги моддий ресурслар истеъмолини кўпайтириш ва бошқарувдаги инновацияларни оширишга қаратилган ҳар томонлама мустақил ҳаракатларга кенг имкониятлар берилганлиги ва бошқалар сабаб бўлмоқда.

Эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш амалиётини ўрганиш бизга шартли равишда уларни қуйидагича таснифлашга имкон берди (2-расм):



2-расм. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг таснифи¹²

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётнинг энг сердаромад тармоғи ҳисобланган туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш заруратининг тобора кучайиб бориши мамлакатимизда эркин туристик ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантиришни тақозо этади. Эркин туристик ҳудудлар муайян минтақанинг ривожланишини жадаллаштириш билан бир қаторда иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник вазифаларни ечишда ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Туризм соҳасини ривожлантиришда эркин туристик ҳудудларнинг ҳолати ва самарадорлигининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида туризм соҳасида туристик ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар, эркин туристик ҳудудлар қошидаги туристик корхоналарнинг хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари тадқиқ қилинган.

¹² Муаллиф томонидан тайёрланди.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиш тарихи узок замонларга бориб тақалади. Ҳар бир давлат ўзининг географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш ҳолати каби кўрсаткичларига кўра эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳар хил формаларидан кенг фойдаланиб келган. Эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этишдан асосий мақсад тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш, валюта тушумларини кўпайтириш, янги иш ўринларини барпо этиш, давлат даромадларини ошириш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришдан иборат.

Туризмни ривожлантиришда эркин туристик ҳудудларнинг аҳамияти мазкур ҳудудда жойлашган туристик корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш орқали кўриб чиқилган. Чорвоқ ҳудудида 10 та меҳмонхона ва пансионатлар фаолият юритмоқда. Шу боис, республикада 2017 йил 5 декабрда ташкил қилинган – «Чорвоқ» эркин туристик ҳудудида жойлашган «Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонаси фаолияти самарадорлиги анъанавий усул ва формулалар¹³ асосида баҳоланган. Туризм соҳасида самарадорликни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Буларни иқтисодий мазмуни бўйича икки гуруҳга бўлиш мумкин: натижавийлик билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик билан ифодаловчи кўрсаткичлар. Туристик корхоналар рентабеллигининг ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир этади. Улардан бири меҳмонхонанинг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ омиллардир. Меҳмонхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибига унинг асосий воситалари, айланма маблағлари, номоддий активлари, меҳнат ресурслари киради. Мазкур омиллар меҳмонхонанинг барча фаолиятига таъсир кўрсатади. Хусусан, унинг рентабеллик кўрсаткичлари ўзгаришига ҳам.

Шу боис, биринчи навбатда таҳлил қилинаётган натижавий кўрсаткичларининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаб олиш лозим. Ушбу омилларнинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун, уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда омилларга мослаштириб олинади.

Меҳмонхона рентабеллик кўрсаткичининг ўзгаришига 4 та омил таъсир қилади. Булар, асосий воситалар рентабеллик коэффициенти, меҳнатнинг қуролланганлик коэффициенти, айланма маблағларнинг меҳнатлилик коэффициенти ҳамда соф тушумнинг айланма маблағлар билан фондлилик коэффициенти.

Ушбу омилларнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларида бири бўлган занжирли алмаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқамиз. Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta R = \Delta R_{K_{avr}} + \Delta R_{K_{mq}} + \Delta R_{K_{aymm}} + \Delta R_{K_{staym}} \quad (1)$$

Бунда:

¹³ М.К.Пардаев. Турфирмалар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили. Маърузалар курси. Самарқанд-2011, 212 б.

K_{avr} – асосий воситалар рентабеллик коэффиценти;
 K_{mq} – меҳнатнинг қуролланганлик коэффиценти;
 K_{aymm} – айланма маблағларнинг меҳнатлилик коэффиценти;
 K_{staym} – соф тушумнинг айланма маблағлар билан фондлилик коэффиценти.

Ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун «Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонасининг амалий маълумотларидан фойдаланилган (1-жадвал).

1-жадвал

«Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонасининг рентабеллиги ва унга таъсир қилувчи туризм билан боғлиқ омилларнинг 2018-2019 йиллардаги ўзгариши¹⁴

№	Кўрсаткичлар	Асос йили (2018 й.)	Ҳисобот йили (2019 й.)	Фарқи, (+,-)	Ўзгариш суръати, %
Мутлоқ кўрсаткичлар					
1.	Соф тушум, млн. сўм	2937,70	3378,00	440,30	114,99
2.	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	5047,40	5157,80	110,40	102,19
3.	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	2783,70	3289,00	505,30	118,15
4.	Меҳнат ҳақининг умумий миқдори, млн. сўм	180,40	182,60	2,20	101,22
5.	Фойда суммаси, млн. сўм	353,60	1309,10	955,50	370,22
Нисбий кўрсаткичлар					
1.	Асосий воситалар рентабеллик коэффиценти (K_{avr})	0,0701	0,2538	0,1838	362,30
2.	Меҳнатнинг қуролланганлик коэффиценти (K_{mq})	229,4273	198,3769	-31,0503	86,47
3.	Айланма маблағларнинг меҳнатлилик коэффиценти (K_{aymm})	0,0079	0,0079	0,00	100,03
4.	Соф тушумнинг айланма маблағлар билан фондлилик коэффиценти (K_{staym})	0,9476	0,9737	0,0261	102,75
5.	Рентабеллик даражаси, %	12,03	38,75	+26,72	322,11

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонасида ҳисобот йилида барча кўрсаткичлар ошган. Мутлоқ кўрсаткичлардан энг юқори даражада ўсган кўрсаткич туристик корхонанинг фойда суммаси бўлган. 2018 йилда фойда суммаси 353,60 млн. сўм бўлган бўлса, ҳисобот йилида мазкур кўрсаткич 1309,10 млн. сўмга етган. Унинг ўсиш суръати 370,22 %ни ташкил қилади. Кейинги ўринда айланма

¹⁴ «Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонаси томонидан берилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

маблағларнинг ўртача йиллик қиймати ўсган бўлиб, унинг ҳажми 118,15 %ни ташкил қилади. Соф тушумнинг ўсиш суръати 114,99 %га тенг. Ҳисобот йилида асосий воситалар ҳам ўсган. Унинг ўсиш суръати 102,19 %ни ташкил қилади. Фойда суммасининг соф тушумга нисбатан тезроқ ўсиши эвазига рентабеллик даражаси ҳам ўтган йилги 12,03% ўрнига ҳисобот йилида 38,75 %гача ўсган.

Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир кўрсатган омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилди (2-жадвал).

2-жадвал

«Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонасида рентабелликнинг ўзгаришига корхона иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ омилларнинг 2019 йилдаги ҳисоб-китоби¹⁵

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Занжирли алмаштиришлар		
					1	2	3
1.	Асосий воситалар рентабеллик коэффиценти (K_{avr})	0,0701	0,2538	0,1838	0,2538	0,2538	0,2538
2.	Меҳнатнинг қуролланганлик коэффиценти (K_{mq})	229,427	198,3769	-31,050	229,4273	198,3769	198,3769
3.	Айланма маблағларнинг меҳнатлилик коэффиценти (K_{aymm})	0,0079	0,0085	0,0006	0,0079	0,0079	0,0085
4.	Соф тушумнинг айланма маблағлар билан фондлилик коэффиценти (K_{staym})	0,9476	0,9737	0,0261	0,9476	0,9476	0,9476
5.	Рентабеллик даражаси, %	12,03	38,75	+26,72	43,5902	37,6908	40,5533

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мазкур меҳмонхона рентабеллик даражаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 26,72 %га ошган. Ушбу омилли таҳлил натижасида таҳлил қилинаётган меҳмонхонада рентабелликни оширишнинг ички имкониятлари аниқланди. Бу имконият бевосита меҳнатнинг қуролланганлик коэффиценти ва соф тушумнинг айланма маблағлар билан фондлилик коэффицентида эканлиги маълум бўлди. Агарда ҳисобот йилида келтирилган кўрсаткичлар ҳеч бўлмаганда режа даражасида сақланиб қолганда эди рентабеллик даражаси мос равишда яна иккинчи омил эвазига 5,8994 % ва тўртинчи омил эвазига 1,8033 %га ошган бўлар эди. У ҳолда умумий рентабеллик даражаси 38,75% эмас, балки 46,4527 %ни ташкил қилган бўлар эди:

$$(38,75 + 5,8994 + 1,8033) = 46,4527\% \quad (2)$$

¹⁵ 2-жадвал маълумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллиф томонидан ҳисобланган.

Меҳмонхонанинг натижавийлиги билан боғлиқ кўрсаткичларига бевосита меҳмонхонада кўрсатилган туристик хизматлардан тушган соф тушум билан боғлиқ кўрсаткичлар инобатга олинади. «Charos DeLuxe Resort» меҳмонхонасининг натижавий кўрсаткичлари самарадорлиги бўйича 2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши таҳлили натижаларидан кўриниб турибдики, меҳмонхонанинг натижавий кўрсаткичлари самарадорлиги бўйича мутлоқ кўрсаткичларининг аксариятида ўсиш рўй берган (фақатгина умумий харажатларда кескин камайган). Меҳмонхонанинг соф тушуми таҳлил қилинаётган даврда 114,99 %га ўсган, унинг умумий харажатлари 50,37 %га камайган. Активларнинг ўртача қиймати 107,86 %га, ўз маблағларининг ўртача қиймати 107,85 %га, асосий воситаларнинг ўртача қиймати 102,18 %га кўпайган.

Бундан кескин ижобий ўсишнинг асосий сабаби сифатида «Чорвоқ» эркин туристик ҳудудининг ташкил этилиши ва бунинг натижасида алоҳида божхона режимлари ва солиқ имтиёзлари, шунингдек, преференцияларнинг жорий этилишини келтириш мумкин. Бу эркин туристик ҳудуднинг нақадар ижобий аҳамиятга эга эканлигини англатади ҳамда бундай ҳудудларнинг кўпайиши ҳар томонлама ижобий деган хулосага келишга сабаб бўлади¹⁶. «Чорвоқ» эркин туристик ҳудудини ташкил этиш орқали инфатузилманинг ривожланиши натижасида зиёрат туризми, тоғ туризми, экотуризм, қишки туризмга иштиёқманд маҳаллий ва хорижлик туристлар оқими кескин ошди.


Туризм соҳасини ривожлантиришда эркин туристик ҳудудларни барпо этиш, ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ (3-расмга қаранг).

Ташкилий-иқтисодий механизм белгиланган вазифаларни ҳал қилишга имкон беради. Унда бу вазифани бажариш учун зарур ҳуқуқлар ва вакиллик функцияларига эга бўлган давлат марказий роль ўйнайди, ташкилий-иқтисодий механизм эса зарур куч ва воситаларни тақдим этади. Ташкилий-иқтисодий механизмнинг ягона тизим сифатидаги мувофиқлаштирувчи имкониятлари унинг туризмдаги функцияларини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ишда, мамлакатимизда қурилаётган туристик ҳудудларда қулай инвестицион муҳитни яратиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда бир неча ҳудудий даражаларга бўлиш таклиф қилинди. Ҳар бир ҳудудий даража учун инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси ва механизмларини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, туризмга ихтисослашган эркин туристик ҳудудларни яратиш мазкур соҳада фаолият юритувчи тадбиркорларни янада рағбатлантириб, туризмнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. Шунинг учун республиканинг Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятларида бундай ҳудудларни ташкил этиш орқали туризмни янада ривожлантириш лозим бўлади.

¹⁶ Ҳисоб-китобларнинг тўлиқ шакли диссертацияда келтирилган.




3-расм. Эркин туристик ҳудудларнинг ташкилий-иқтисодий механизми¹⁷

Диссертациянинг «**Эркин туристик ҳудудларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда устувор йўналишларини белгилаш йўллари**» деб номланган учинчи бобида эркин туристик ҳудудларда инвестицион жараёнларни жадаллаштириш механизмини такомиллаштириш, эркин туристик ҳудудда давлат-хусусий шерикчилиги асосида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, «кичик туристик ҳудуд»ларини ташкил этиш асосида туризм соҳасида хизмат кўрсатиш фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари ҳамда мамлакатимиз туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

¹⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди.

